

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни чин қабидан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишишган фидойи инсонлар, балки уларнинг машакатларидан иход ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг тамал тошини кўйган жадид боболаримизнинг «Матбуот фикрлар тиломчи, миллат ва эл-юрт ривожи йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг күчси, ҳар кимнинг вижидонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим» деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят мухим аҳамиятга эга эканини таъкидлайшимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг бу олийжаноб орзу-интилишлари фақатигина мустақиллигимиз тудайи рўйға чиқди.

Кейнинг йилларда юртимизда рўй берадиган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркян фикр минбарига, халқимиз манбаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам хуқуқий замин, ижтимоий мухит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олини уни тарқатиш хуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг мухим ва ажralmas қисми, деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустаҳкамлаб кўйилгани бу борадаги сайд-харакатларимиз бардовом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юртимоқда. Уларнинг 65 foizi нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркиби ўзгаришлар изчил амалга оширилаётгандан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етганни ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва мажаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга кўйилгани халқ билан мулокотни кучайтиришга сезилилар таъсир кўрсатмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самародорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотлари амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиқлик индекси натижалари эълон қилингани бу йўлдаги мухим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро маконига ҳам дадил кириб борадига. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларiga узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейнинг вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса кўшаётганини алоҳидаги аътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадиин китоб ва бошча адабиётлар чоп этилгани китобсевар халқимиз, авваламбор, ёшлиримизнинг онгу тафаккурини юксалиришида мухим роль йўнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларini кўллаб-куватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга давромад солига бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта маддад бўймоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта дол-

зарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз берадиган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсақ, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдиди жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайтиб бораётгандан кўз юмолмаймиз.

Дунёнинг айрим минтақа ва худудларида оммавий ахборот воситалари муйайн сиёсий кучлар кўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрни чалитига, оқни – қора, қорани – оқ, деб кўрсатишига хизмат қўшаётганини афсус билан кайд, этишига тўғри келади.

Ахборот маконидаги устунлик кўп нарсани ҳал етадиган бугунги мурakkab вазиятда ҳалқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шарти ва талаби бўлган холислик, ҳаққонийлик, миллий манбаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳарорати сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятни англаб этишига кўмаклашадиган, уларни бузунгич ахборот хурукларидан ҳимоя қиласидиган фидойи инсонлар, деб билади.

Биз жамият ҳаётida учраётган камчилик ва муммаларни бартароф этиш, бюрократия ва корупция каби иллатлар қарши курашишда, аввало, сиз хурматли журналист ва блогерлар, айнича, миллий медиа маконимизга янгиғоя ва ташабbuslar билан кириб келаётган истеъоддири ёшлиримизга таянамиз.

Шу боис кенг миқёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юқсак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим мусассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тайёрланадиган ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшлиримиз босма оммавий ахборот воситалари ва ноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамили медиа, халқaro муносабатлар сингари йиғримдан зиёд таълим, йўналишида бўйича юкори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат сирларини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш вазифасини ўз олдимизга кўйиган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар таҳрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуғузли халқаро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этишмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчили ривожлантириш бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистилари уюшмаси томонидан тайёрланадиган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этиди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машакатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни кутулғ касб байраминги ҳамда яқинлашиб келаётган улуг айём – Курбон ҳайти билан табрикли, барчангизга сиҳат-саломатик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, хонадонларинингизга баҳт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА

## ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкораликни мустаҳкамлаши, ҳалқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳукуқларини таъминлашга кўшаётгандан муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манбаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиши жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишидаги катта хизматлари, замонавий журналистика йўналишилари учун юксак малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авlodни она Ватанга мұхаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали

фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуидагилар мукофотлансан:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН

Бутаев Шойим Примкулович – «Хўжжатли ва ҳроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси мұхаррири

Мирзагаров Укташ Ҳайруллаевич – «Гулистан» ва «Театр» журналлари бўлим мұхаррири

Нуритдинов Ҳайрулла Бокиджонович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон 24» телерадиоканали давлат муассасаси директори

>>>2



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ҲОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

&gt;&gt;&gt; 1

## «ДҮСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимбекова Жумакул Мауленовна – «Нурлы жол» газетаси масъул котиби

Арипов Махмуджон Мусинович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўйим катта мухаррири

Ахроров Мирасор Мираброрович – «Овози тоҷик» газетасининг Фарғона ва Андижон вилоятлари бўйича мухбари

Джунайдуллаева Угилой Инатуллаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ мухаррири

Ережепов Баҳитбай Кенгесбаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Nukus teleradiomarkazi» филиали бош овоз режиссёри, Коқалпагистон Республикаси

Садиков Ҳусанбори Мирганиевич – «Муштум» журнали бош рассоми

Шаметов Баҳтиёр Алметовиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Toshkent» teleradiokanalı давлат муассасаси турӯҳ бош режиссёри

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН  
ОРДЕНИ БИЛАН

Камилов Сардор Абдураҳимовиҷ – «Milliy telekanal» масъулияти чекланган жамиятининг бош мухаррири ва продюсери

Оманов Муҳиддин Саттаровиҷ – «Ўзбекистон нашриёти» давлат унитар корхонасининг болалар ва бадий адабиётлар таҳририяти мудири

Раджабов Дилшод Эсановиҷ – «Мухаррири» нашриёти бош мухаррири

«СОҒЛОМ ТУРМУШ»  
МЕДАЛИ БИЛАН

Талипжанова Шафоат Манаповна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» teleradiokanalı давлат муассасаси бош мухарририяти катта мухаррири

Файзиев Даврон Аҳмаджанович – Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўйими бошлиғи

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуназаров Равшан Саттаровиҷ – «Радиоалоқа, радиоэштириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг Сурхондарё радиотелеузати маркази стансия етакчи мухандиси, Сурхондарё вилояти

Ажимуратов Азamat Лепесбаевиҷ – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг аҳборот бўйими бошлиғи

Арслонова Жамила Амирновна – Зангигота тумани «Истиқбол» газетаси мухбари, Тошкент вилояти

Ахмедов Иброҳим Рахимовиҷ – «Гранд» радиостанцияси бош мухаррири ва бошловчisi

Ахмедов Қобулжон Ҳолиқовиҷ – «Mening yurtim» телеканали бош директори

Боҳидов Журъат Самандаровиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Бухоро вилояти телерадиокомпанияси монтажчisi

Давлетова Нозимахон Элдаровна – Миллий масс-медиани кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори

Жўраев Олим Эргашевич – Бухоро вилояти ҳокимининг аҳборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчisi – матбуот котиби

Исмаилов Музаффар Абдуллаевиҷ – «Daryo.uz» веб-сайти раҳбари

Кайсаров Тимур Адихамовиҷ – «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти масъул котиби

Кенжаев Руслан Алишеровиҷ – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош мухаррирининг ўринbosari

Косимова Нориниса Эргашевна – Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмасининг Сирдарё вилояти бўйими бош мутахассиси

Мадумарова Баҳринса Тўхтасин қизи – «Zamon.uz» веб-сайти бош мухаррирининг ўринbosari

Мазитов Абдураим Маликовиҷ – «Шарқ» нашриёт-матбаба акциядорлик компаниясининг муковалаш цехи ишчisi

Мамиров Суюндиқ Махамматовиҷ – Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси бош мутахассиси

Муминов Эргаш Абдумигатовиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekteofilm» давлат муассасаси саҳналаштирувчи кинорежиссёри

Насирова Иродаҳон Ҳусановна – «Zo't TV» телеканалининг продюсери ва бошловчisi

Отабоева Гулнора Ҳосилжоновна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Намамган вилояти телерадиокомпанияси «Аср» студияси сиёсий шарҳловчisi

Расулов Баҳодир Баҳтиёровиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали телевоператори

Рахимова Ратьно Мирфазиловна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» teleradiokanalı давлат муассасаси сухандони

Рахимходжаев Зайниддин Ҳуснiddиновиҷ – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси

Ризаев Ақбар Мансуровиҷ – Ўзбекистон Республикаси Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

Рузиева Фазила Мухторовна – Алишер Навоийномидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ихтисослашган фонд ва мажбурий нусхаларни сақлаш хизмати раҳбари

Сайдов Икром Тулягановиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Maxsus автокорхона» давлат муассасаси ҳайдовчisi

Тошниязова Гулмира Ҳусановна – «Kun.uz» веб-сайтинг Тошкент шаҳри бўйича мухбари

Умаров Дилшод Содиковиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo bo'yab」 telekanali давлат муассасаси эфирга узатиш бўйими бош режиссёри

Уринбаева Севара Кучкаралиевна – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Аҳборот хизмати раҳбари – жамоатчилик билан алоқалар бўйими бошлиғи

Хайтахунов Шукур Джалиловиҷ – Жалақудук тумани «Жалақудук ҳаёт» газетаси мухаррири, Андижон вилояти

Шодиева Лолажон Озодовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» радиоканали режиссёrlar бўйими бош режиссёри

Яхшибоева Озода Абдужалоловна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ мухаррири

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 26 июнь

Тошкент шаҳри

## Муҳим вазифалар мұхокамаси

Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўймитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда тармоқ тизимида таълим мұассасалари касаба уюшма қўймиталари, туман кенгашлари раислари ҳамда Ижроия қўймита аъзолари иштирок этди.

Таълими ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда иш фаолиятида ийл юйгани камчилларни учун қатор бош-

ланғич касаба уюшма қўймита раислари ва бошқаларга интизомий жазо белгиланди. Шунингдек, фаолиятини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг йўриғномалари ва тармоқ, касаба уюшмаси устав талаблари асосида ташкил ташкилори касаба уюшма бюджетининг 2022 йил бўйича бажарилиши ва тармоқ тизимида келиб тушган фуқаролар мурожаатлари, уларнинг касаба

лари ва туман кенгашлари фаолияти эътироф этилди.

Бундан ташқари, Ижроия қўймита мажлисида Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши касаба уюшма бюджети ва Тошкент шаҳар ташкилори касаба уюшма бюджетининг 2022 йил бўйича бажарилиши ва тармоқ тизимида келиб тушган фуқаролар мурожаатлари, уларнинг касаба

уюшмаси томонидан қай даражада қаюатлантirилган борасидаги ҳибоботлар тингланди.

Йиғилишда олий таълим мұасасалари бошланғич касаба уюшмаси ташкилорлари ва туман кенгашларига қатор вазифалар топширилди.

**Умиджон ҚИЛИЧЕВ,**  
Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси



## Ипотека кредитлари саддалаштирилмоқда

Бугунги кунда 4 та йўналишда аҳолининг уй-жой харид қилиши учун ипотека кредитлари йўналтирилмоқда. Ўтган йилда янги тартибларга асосан, аҳолига мазкур банқдан 1 трлн. 864 млрд. 400 млн. сўмлик ипотека кредитлари берилган.

Кейинги пайтларда бу борада қатор қуалайликлар яратилмоқда. Кредитларни расмийлаштиришда ортиқа оворагарчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўримлмоқда. Жумладан, шу мақсадда аҳолидан ортиқа хужжатлар талаб қилинмаяти.

Тадбирда ипотека кредитлари турлари ва миқдорлари, шунингдек, банкнинг келгусида шу йўналишда белгиланган режалари ҳақида маълумот берилди.

Умидга Худойберганова  
«ISHONCH»

## Тадбир

Миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратилиши борасида амалга оширилаётган ишларга бағишинган матбуот айнумани ўтказилди. Унда ҳукумат қарорларининг банк фаолиятидаги ижроси ҳақида сўз юритилди.

Хоразм вилоятининг бир гуруҳ маҳалла хотин-қизлар фаоллари Тошкент вилояти Бўstonliq туманидаги «Livingstone» дам олиш масканнида ҳордик чиқаришиди.

Ушбу саёҳат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси ташабbusi билан амалга оширилди.

Тоёён-бағрида дам олиш дилга нур, ақлага шур бергандаек бўлди. Саёҳатнинг охирги куни Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат ўштирилди.

«Шон-шараф» музейи бебаҳо ёдгорлик экспонатларига бой экан. Саёҳат асноси бир зумга ўзимни уруш даврига тушиб қолгандек ҳис қилим. Айниқса, ядрор аскарларни даволаётган аёл образи менда ўзгача таасурот қолдири, – дейди Хива туманидани «Куч каттабоғ» маҳалла фуқаролар йигини фаоли Насиба Рӯзметова.

– Уч кундирки, ватанимизнинг энг гўзал гўшаларида маданий ҳордик чиқардик – дейди Урганч



## ФАОЛЛАР ЭЪЗОЗДА

– Касаба уюшмалари томонидан ўштирилган саёҳат бизга ёрқин хотираларни таддим этди,

– дейди Янгибозор тумани «Наврӯз» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Умид Ҳасанова.

Хоразмнинг турли туманидан келган хотин-қизлар фаоллари билан танишил. Дилдан сұхбатлашып. Саёҳат бизга янада куч-ғайрат берди, шиъжоатимиз ошиди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси ташабbusi билан амалга оширилган саёҳат Тошкент шаҳрида ўз ниҳоясига етди. Саёҳатларни көркін таассуртлар билан Урганч жўнабе кетишиди.

Феруза РАҲИМОВА  
«ISHONCH»



Қувончбек ТЎРАЕВ олган суратлар.





## Куюнчак инсон эди

Хаётда асабига тегадиган бирор воқеа ёки ҳолатга дуч келиб қолса, унинг ёнидан худди кўрмагандек ўтиб кетолмайдиган, нега бундай бўлди, бундай бўлиши мумкин эмас, дэя куюнчаклик қилиб, ўзига ўзи ташвиш ортирадиган одамлар кўп бўлади. Аслида ҳамма шундай бўлиши керак, чунки дунёни бепарвонлар бузганичилик бошка ҳеч ким буза олмайди.

Бир қарашда муаммоли жойи йўқ. Куюнчаклар етарли, аммо бундай кишиларни ҳамма ҳам тушунавермайди. Тушунишмагани майли, бироқ эҳтиёткорлик қилиб, «Биродар, сизга нима, бошингилини қотирманг, бўлса бўлар, бўлмаса – фовлаб кетар», дэя маслаҳат беришгани чатоқ.

Тарих фанлари доктори, бутун умрини матбуотга бағишишаган Кудрат Эрназаров тадқиқотчи олим, ташкилотчи, садоқатли дўст бўлиши билан бирга бошқаларнига мутлақа ўхшамайдиган куюнчаклиги билан ҳамном қозонгандардан бирни эди. Унинг бу фазилати характеридаги хусусият билан эмас, танлаган ота касбига хурмати, ҳаммамизинг устозимиз, журналистика йўналишида биринчи миллий профессор Тўғон Эрназаровнинг илмий, инсоний йўлига садоқати туфайли эди, десак тўғри бўлади. Узоқ йиллар бирга ишлаган касбдошлар бунга қатъий ишонч ҳосил қўлганмиз.

Кейинги пайтларда қайси соҳада бўлмасин, бирор муаммо юзасидан бахс бошлансан, ўзининг фикрини ошкор қўлмаган ҳолда бошқаларнинг қарашлари қаёқка юз бораётганини кузатиб, шундан келиб чиққан ҳолда гап айтадиган эҳтиёткорлар кўпайиб кетди. Бу иллат журналистика йўналишида ҳам кўзга ташлана бошлади. Кудрат Эрназаров бундай ҳолатда ўзининг принципиал нуқтаси на зарини, кимгидир ёқса-ёқмаса, очик ва ошкор айтадиган олимлардан эди.

Гапим куруқ бўлмасин, журналист қадрлар тайёрлаш соҳасидаги янгина замонавий ёндашувларни кўллаган ҳолда, пухта ўйланмаган, миллий таълим тажрибаларига тамомила мос келмайдиган, очиғи, маълум бир давлатнинг таълим тизимидан кўр-кўрана олинган кўчирима андозаларни ёктириш, уларнинг самараасизлигини исботлаб берарди. Бир йили вазирlikdan журналистикага оид инглиз тилида ёзилган дарсларларни зудлик билан ўзбек тилига ўтириш, шу асосда дарс ўтиши топширифи келди. Юғуриб-елиб таржимида қўидил. Кимдир таржимон ёлади, кимдир лугатлардан фойдаланди. Топширик бажариб бўлинганда маълум бўлдики, бундай дарсларларни талабларни кечагина ўрта мактабни битириб пойтахта ўтиши учун келган ёшларга шундайларига қўллаб бўлмас экан. Кудрат Эрназаров бу гап ҳам ҳак бўйlib чиқди.

Миллий матбуотимиз босиб ўтган йўл хусусида бугун баъзи «фаол» тадқиқотчilar ўқтираётган бир фикрга мутлақа кўшилиб бўлмайди. Уларнинг газеталар саҳифалари ўтмишда ҳам, бугун ҳам куруқ «ҳамду саноҳдан» иборат, деган гапини курақда ушлаб туриш қийин. Бундай гапни умрида бир марта бўлсин, матбуот билан беносита юзма-юз келмаган, газета ҳиди бурнига урilmagан, журналистнинг нони қандай бўлишини ҳис этмаган киши айтиши мумкин. Койиллатиб ёзилган, мириқиб ўқиладиган макалалар авваллари ҳам бўлган, қониқиши билан ўқилган, таҳлилга тортилган муаммолар юзасидан чора-тадбирлар белгиланган. Албатта, замонасозлик, мадҳибазолиси соҳанинг вужудини чирковуқдай қолпаб олган, газеталар «партининг нишонни бехато урувни қурулого, ҳалкона айтганда «уртуқмок»» яйланган эди, аммо шундай шароитда ҳам жасоратли ҳамкасларимиз адолат учун курашган, қанчадан-қанча иллатларининг илдизига болта уришган.

Кудрат домла шу ҳақда куюнчаган гапираварди. Фақат матбуот эмас, кундаклар турмуш тарзи, урф-одат, меҳр-оқибат, устоз-шогирдлик, ижодий (соғлом) муҳит масалаларида ҳам ўзининг қатъий фикрига эга ва бу одатидан асло воз кечмасди. Факультетни бошқарган йиллари баъзан устозлар орасида бўлиб турдиган «майда-чўйда» гап-сўзларга ўтишиб бермас, «Кимнинг кўнгли кимда бўлса, кўйиб беринг – ўйнасин» деган мақолни ўрисчасига қойиллатиб айтиб, жамоатини асосий мақсаддан ҷалғимасликка даъват қиласади.

Совуқ хабар тез тарқалади. Журналистикамиз яна бир устоздан жудо бўлди. Кудрат дўстимиз оғир хасталик билан кўп курашди, умидсизланмай яшади, тушкунликка тушмади. Миллий университетнинг 105 йиллиги нишонланеётган тадбирда ўзини дадил тутиб, янги режалар, жамоатнинг бугунги вазифалари ҳақида сўзлади. Афусу, охириати обод бўлсин.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**  
Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган  
журналист

### Касбдош хотираси



Интернетга муккасидан кетган, ҳаётим, борим шу сайтлару телеграм каналлар деб жар солаётгандарга бир маслаҳатим бор: аввало, китоб ўқинг. Маърифат, одоб китобдан олинади, асло ижтимоий тармоддан эмас. Бугун бор бу пулфаклар эртага йўқ. Китоб эса минг йиллар турди. Жумладан, Курбон аканинг мана шу китobi ҳам ўқишига, ўқиганда ҳам қайта-қайta ўқишига арзиди. Оғизга нима келса шуни ёзидиган, бир ишни қойиллатмай турби, ўзини кўз-кўз қилишини хуш кўрадиганлар асл журналист, ҳакиқий мақола қандай бўлиши кераклигини англамоқчи бўлса, шу китобдан жой олган мақолаларни ўқисин. Том-том асарлар бор, қаранг келмайди, таҳририятларни бездириб юборган шоирлар бор, битта шеърига қараб, ихlosинг қайтади. Аммо инсон дарди, муаммоси, юраги қалқиб турган шундай мақолалар бўлдиди, улар манаман деган ҳалқ шоирни адабининг ўзига ўшаган семиз китobidan кўра, минг карра устун турди. Мен ҳеч иккilaмай, Курбон аканинг китобини шундай устун дейман.

Курбон Эшматов бор эди, дунё гўзал эди. У киши ҳаёт эди, яшаш завқли эди. Афусу, минг афусу, бундай одамлар эди түғимайди.

Ҳаммани жон жигаридек кўрадиган, меҳри тушган одамдан борини аямайдиган ақани бой деб ўйладигандар кўп эди. Аммо бутун умр Чилонзорнинг бир чекасидаги кўп қаватли уйдан бўлак ҳеч вақо ортиргамаг ақамиз топганини бирордан яшираси, аксинча, қанчадан-қанча дилларни шод қилиша сарфларди. Таҳририядта бирга ишлаганмиз, боласи қаторилар уйига кетарди, бироқ ака ишда қоларди, навбатчилик қиласади. Башкешлар мукофот олиб ўйига шошилса, бундай рағбатлардан мосуво ақам жигмина ўтириб ишини қиласади. Баъзан ишга кечикиб келиши эвазига бундай жазолар муттасиллигидан оғринмасди ҳам. У шундай баланд эди, худди қишлоғи жойлашадиган ҳудуд каби майдо-чўйдалардан тепада турарди.

Китобдан таъсири ва ҳаёттаги ҳоярдиган, муроҷа олинига ўтириб кетади. Аммо бироқ ақамиз, яшади, оизорларни ҳақиқадаги ҳикояни ўқиб, Курбон ақам буни қайси юраги билан ёзган эканлар, деб қолдим. Ахир, ўйланг, бир таҳририядта оддий мусахиҳ бўлиб ишловчи, ижарада яшовчи, маоши ҳаминкадар қайси ўйил ҳар ойда иккимартада Тошкентдан 460 километр узоқлидаги қишлоғига оиласиши кўргани боради. Ҳозир ҳар қадамда замонавий машиналар хизматга шай, лекин совет замонида бунча масофага бориб келишнинг ўзи бўлмаган. Яна денг,

## Энтикиб эсланадиган Эшматоб

Кўрбон Эшматов



Қадрдан қайрағоч

Бағрикенглиги, мардлиги, ҳеч кимда учрамайдиган тантлигига соддалиги билан беҳисоб дўстлар ортирган жасоратли журналист Қурбон Эшматовни орамизда йўқ, дейиш нақадар оғир. Ўзи тартиб берган, аммо кўролмай кетган «Қадрдан қайрағоч» китобида устознинг ҳикояларини мутола қилиб, кўзимга ўш келди, ҳангомаларидан ҳузыурлардим, у киши ҳақидаги дилномаларни энтикиш или ўқидим. Қаранг, шунча пайт ёнида юрган эканмизу бунчалар ҳаяжонли, мунгли, айни пайтда одамни тарбиялашга қодир ҳикоялар ёзишиларини билмаган эканмиз. Бундай ҳикоялар эса ўзи, сўзи, тузи тоза одамдан чиқади.

Бағрикенглиги, мардлиги, ҳеч кимда учрамайдиган тантлигига соддалиги билан беҳисоб дўстлар ортирган жасоратли журналист Қурбон Эшматовни орамизда йўқ, дейиш нақадар оғир. Ўзи тартиб берган, аммо кўролмай кетган «Қадрдан қайрағоч» китобида устознинг ҳикояларини мутола қилиб, кўзимга ўш келди, ҳангомаларидан ҳузыурлардим, у киши ҳақидаги дилномаларни энтикиш или ўқидим. Қаранг, шунча пайт ёнида юрган эканмизу бунчалар ҳаяжонли, мунгли, айни пайтда одамни тарбиялашга қодир ҳикоялар ёзишиларини билмаган эканмиз. Бундай ҳикоялар эса ўзи, сўзи, тузи тоза одамдан чиқади.

Бағрикенглиги, мардлиги, ҳеч кимда учрамайдиган тантлигига соддалиги билан беҳисоб дўстлар ортирган жасоратли журналист Қурбон Эшматовни орамизда йўқ, дейиш нақадар оғир. Ўзи тартиб берган, аммо кўролмай кетган «Қадрдан қайрағоч» китобида устознинг ҳикояларини мутола қилиб, кўзимга ўш келди, ҳангомаларидан ҳузыурлардим, у киши ҳақидаги дилномаларни энтикиш или ўқидим. Қаранг, шунча пайт ёнида юрган эканмизу бунчалар ҳаяжонли, мунгли, айни пайтда одамни тарбиялашга қодир ҳикоялар ёзишиларини билмаган эканмиз. Бундай ҳикоялар эса ўзи, сўзи, тузи тоза одамдан чиқади.

Бағрикенглиги, мардлиги, ҳеч кимда учрамайдиган тантлигига соддалиги билан беҳисоб дўстлар ортирган жасоратли журналист Қурбон Эшматовни орамизда йўқ, дейиш нақадар оғир. Ўзи тартиб берган, аммо кўролмай кетган «Қадрдан қайрағоч» китобида устознинг ҳикояларини мутола қилиб, кўзимга ўш келди, ҳангомаларидан ҳузыурлардим, у киши ҳақидаги дилномаларни энтикиш или ўқидим. Қаранг, шунча пайт ёнида юрган эканмизу бунчалар ҳаяжонли, мунгли, айни пайтда одамни тарбиялашга қодир ҳикоялар ёзишиларини билмаган эканмиз. Бундай ҳикоялар эса ўзи, сўзи, тузи тоза одамдан чиқади.

Бағрикенглиги, мардлиги, ҳеч кимда учрамайдиган тантлигига соддалиги билан беҳисоб дўстлар ортирган жасоратли журналист Қурбон Эшматовни орамизда йўқ, дейиш нақадар оғир. Ўзи тартиб берган, аммо кўролмай кетган «Қадрдан қайрағоч» китобида устознинг ҳикояларини мутола қилиб, кўзимга ўш келди, ҳангомаларидан ҳузыурлардим, у киши ҳақидаги дилномаларни энтикиш или ўқидим. Қаранг, шунча пайт ёнида юрган эканмизу бунчалар ҳаяжонли, мунгли, айни пайтда одамни тарбиялашга қодир ҳикоялар ёзишиларини билмаган эканмиз. Бундай ҳикоялар эса ўзи, сўзи, тузи тоза одамдан чиқади.

### Яхшилар ёди



Ozbekiston kasaba uyushmalar Federasiyası  
2007-yil 11-yanvarda  
Matbuot va axborot agentligida  
116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Doverie»  
gazetalarini  
tahrir hay'ati:

Qadratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G'YOIBNARAZOVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinsobasi),  
Mehriddin SHUKUROV  
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalarini hayotiy –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlari va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan iqlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

Hududlardi  
muxbirlar:  
Qoraqalp'iston Respublikasi –  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati –  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati –  
(+998-99) 889-90-31  
Jizzax viloyati –  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati –  
(+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati –  
(+998-99) 889-90-28  
Samarkand viloyati –  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati –  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-32  
Toshkent viloyati –  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'on'a viloyati –  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati –  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan  
ma'lumotlarda manba  
sifatida gazeta nomi ko'sratilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat  
nuqtai nazardan  
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir  
A. Abdurahmonov

</